

## ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР...



### УШБУ СОНДА

ҚАРАКАТ  
ҚИЛСАК,  
БАРАКА  
ТОПАВЕРАМИЗ

2

СЕН ЁЛГИЗ  
ЭМАСАН,  
ЛЮЗА

3

ДАРДИМНИ  
КИМГА  
АЙТАЙ

4

ҚАЛИ БИЗ  
БАХТЛИ  
БЎЛАМИЗ

5

УЛАР БИЗНИ  
БОРЛИГИМИЗ  
УЧУН  
СЕВИШСИН...

6

ҚИЗ БОЛА  
НОЗИК  
ГУНЧАДИР...

7

Ҳеч аҳамият берганмисиз, савлатли, обрў-иззатли, кўркли кексалари бор хонадоннинг ҳам, маҳалланинг ҳам файзию таровати ўзгача бўлади. Кексалари бор хонадонлардан хайру баракот аримайди, ризку насиба бисёр ёғилади. Чунки ҳаётнинг ранжу захматлари, қувончу байрамларини кўп кўрган отахону онахонларимиз умрларининг ҳар онда дунёга, одамларга яхшиликлар тилаб дуои фотиҳа ўқийдилар. Юз баҳорнинг остонасида турган Шайхонтохур тумани, Оқтепа даҳасидаги Зайнаб момо Зоҳидова турмушининг не машаққатларини кўрмади дейсиз. Ҳалол меҳнат қилиб, беш нафар фарзандини ўстириб улғайтирди, элга кўшди. Айни дамда фарзандлар ардоғида, иззат-хурматда умр кечирмоқда.

— Илоҳим тани-жонинг соғ бўлсин, фарзандларингга, набираларингга бош-қош бўлгин, болам, — дейди Зайнаб момо кунда

келиб бир хабар оладиган 78 ёшли тўнғич ўғли Эргашбойга.

Муборак Йўл Рамазоннинг муқаддас кунларида Зайнаб момонинг шинамгина хонадони янада гавжум. Табарруқ волидаларини ҳайит байрами билан қутлагани фарзандлари Эргашбой, Восижон, Абдуллажон, Самигжон оталар ва қизи Тўлабувилар ўзларининг ўғил-қизлари, келинлари-ю, бир этак набиралари билан биргаликда ташриф буюришган. Тирикликнинг, яшамоқнинг завқу шуқуҳи ана шу лаҳзалардан таркиб топади, аслида.

Шу муборак кунларда отахон-онахонларимизга энг аввало соғлик-саломатлик, узок умр, кўнғил хотиржамлиги билан бирга энг эзгу тилак-истаклари ижобатини тилаб қоламиз.

ШАВКАТЛИ

М. Мирсодиқов олган сурат



### Шу куннинг сўзи ЮКСАК ЭХТИРОМ РАМЗИ

Президентимизнинг мамлакатимизда 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланиши туғрисидаги таклифини юртдошларимиз қатори мен ҳам қувонч билан қутиб олдим. Купчиликка аёнки, илгари бу байрамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини эслаш одат тусига айлиниб қолганди. Шура замонида утказиладиган ана шундай тадбирлардан қўзланган асосий мақсад инсоний туйғулари эъзозлаш ва қадрлаш эмас, балки қуруқ расмиятчилик ва сохта сафсата-бозлик эди, холос. Бугун эса бу масалага янги муносабат билан қаралмоқда. Хусусан, юртбошимиз Хотира майдонида журналистлар билан мулоқоти чоғида масаланинг айнан шу жиҳатига алоҳида ургу берди.

— Биз нафақат ўтганларни хотирлашимиз, балки бугун ҳаёт бўлганларни қадрлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз зарур. «Қадрлаш» деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча яқинларимизга эҳтиромни тушунайлик. Шу маънода бу кун узига хос аҳамият касб этади, — деди Президент.

Биз «ойна жаҳон» орқали юртбошимизнинг ана шундай дилга яқин сузларини эшитарканмиз, беихтиёр қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига йўғрилди. Ҳукуматимиз олиб бораётган сийсатда инсон омили бош мезон бўлиб, унинг қадр-қиммати эъзозланиши ва угулганишдан кўнглимиз тоғдек кутарилди. Сабоби, бизнинг отамиз ҳам Иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтиб келмаган. Орадан шунча йил ўтса ҳамки, отамиздан дарак йўқ. Бахтимизга онамиз ҳаёт. Уруш беваларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаш мақсадида 9 майни «Хотира ва Қадрлаш» кунини сифатида нишонланишини бутун халқимиз ва миллатимизга бўлган юксак эҳтиром рамзи деб биламиз.

**А. ДЕҲҚОНОВ, ўқитувчи,  
Балиқчи тумани**

## ҲАМФИКР, МАСЛАХАТЧИ, ҲАМДАРД БЎЛАЙЛИК

Бошланган йилни Аёллар йили деб атадик. Аввалига биз эркакларнинг гурури камситилгандек туюлди. «Йилда бир кун — 8 Март кунини утказишдан толиқардик, энди йилни утказишга қувватимиз етармикан», — деган андиша уйимизда эди. Аслида биз эркаклар бир оз эркакқоқимиз. Шундан бўлса керак аёлларга берилган ҳар бир имтиёз бизни уйлантириб қуюди. Сирасини айтганда аёлларда қандай имтиёз ҳам бўлиши мумкин. Бизларни дунёга келишимиздан аввал тўққиз ой кутариб юришларими, ёнқни қийналиб, жонларини гаровга қўйиб, дунёга келиришларими? Бизни суйиб, эркалаб, жонимизга жон бўлиб катта қилганларини бир ёққа қўйиб тураёлик. Ҳар кун овқатимизни пишириб, қийимимизни озода қилиб, бизни чиройли қилиб хизматга кузатишларими? Фарзандлар тарбиясини аёлларнинг нозик елкаларига бутунлай ортиб қўйдик. Хатто ота-оналар мажлисларига ҳам фақат аёллар қатнашадиган бўлиб қолди. Рўзгорда қийналасак, узлари яхши емаслар-да, маошга етказишга уринишди. Бироқ чойхонадаги ошхўрликларимиз, гап-гаштакларимиз камаймади-ку. Аёлларнинг йилда бир келадиган байрамлари — 8 Мارتда ҳам ошхонадан чиқмайдими. Биз уларнинг соғ бўлишларини истаб меҳмонхонада машаққат қиламиз. Эҳ-ҳе, гапираверсан гап кун. Шуларни уйлаб туриб, бу йилнинг бундай номланишидаги ҳикматини англашга ҳаракат қилдим. Аслида аёлларимизнинг меҳнати машаққатлари етарли, камаймайди ҳам. Бизлар мана шу йилда уларга кумакдош бўлиш, елкадош бўлиб, уларнинг кўнглиларини кутариш, бут қилиш учун Президентимиз томонидан берилган оғохлантириш, йўлнамалар олдик.

Дуппини ерга қўйиб, яхшилаб уйлаб қурайлик. Биз уғил бўлиб онамизни эъзозлай олдикми, жигар бўлиб опамиздан хабар олдикми, хола-миз, аммамизнинг кўнглиларини кутардикми? Неча йил бирга яшаган бўлсак, рафиқамизга туйдан кейин яна бирон марта гул совға қилдикми? Қизимиз учун-нима қилдик? Мана шу саволларга аёллар йили — 1999 йилда жавоб бериш имконияти тугилапти, токи янги асрга тез-да қалб, соф иймон билан қадам ташлайлик. Токи Барчининг Алломиши, Шириннинг Фарҳоди, Бибиҳонимнинг Соҳибқирони каби бўлишга оз бўлсада уринайлик.

Бугунги кунда рўзгоримиз бут бўлиши учун, қозонимиз биқирлаб қайнаши учун ҳам давлат ишида, ҳам

бозор-учарда, ҳам оғир жисмоний ишларда узларини аямай фидойилик қилдирган аёлларимизга бир йилгина ҳақиқий елкадош бўлайлик. Фарзандларимизни тарбиялаш учун сочларига қиров қунган, камимизни бор қилиш учун қадди дол бўлган, уйимизни фароғат масканига айлантириш учун қўл-юзларига ажин тушган меҳрибонларимизга илиқ гапларимизни айттайлик, ёшлиқларини хотирада бўлсада қайтарайлик. Мана шунда хонадонларимиз янада обод бўлиб, бахтимиз, толеимиз порлаши аниқ.

Ривоят қилишларича Аюб алайҳиссаломнинг эътиқодларини синаб қурши учун Аллоҳ таоло барча чорваларини,

### Эркакларга эркача мурожаат

фарзандларини нобуд қилиб, таналарига оғир дардди юборибди. Бир қанча йиллар дард аъзойи-баданларини қийнаб, ҳолсиз бўлибдилар. Шунда ҳам ибодатни қанда қилмабдилар. Намознинг ҳар рақатида аёлларнинг қоқилларидан ушлаб, уринларидан турар эканлар. Қатор йиллар сабр қилганларидан сўнг Аюб алайҳиссалом ҳавзага тушиб ювинибдилар ва сабрларининг муқофоти тариқасида бурунларидан асалари учиб чиқибди, қулоқларидан чиққан ипак қуртини тутта қўйибдилар, зулук сувга тушибди. Аслида Аюб алайҳиссалом ёнлариде елкадош бўлган аёлларнинг ёрдамлари ила эътиқодларини омон сақлаган эканлар. Қиссадан ҳисса шуки, бизлардаги эътиқод, имон кучи ёнимиздаги аёлларимизга боғлиқ экан. Ахир Расулуллоҳ ҳам «умматларнинг яхшиси — аёлга яхши муомала қиладиганлари», деб бежиз айтмаганлар.

Биз қатор йиллар уларни узимизга тенг қилгандек бўлиб, хизматларимизни ярмини улар елкаларига ортиб қўйдик. Аслида улар бизларга тенг бўлиши эмас, балки ҳамфир, маслаҳатчи, ҳамдард бўлишни хоҳлайдилар.

Танграм ақлимизни, меҳримизни, сабримизни ҳам газабу рашкимизни синаш учун аёлларни яратган. Дейлик, бирортаимизнинг аёлимиз исрофгар, режани билмайди. Биз ақлли эркачимиз-ку. Меҳр билан аста оила иқтисодини ургатайлик. Ёнқни бирорта аёл тили теворқ. Биз сабрли эркачимиз-ку. Сабр-ила ҳар сўзининг моҳиятини тушунишга ургатайлик. Боринки, бирор аёл бизга хайбат қилди, аввали уни шу хиёнатга бошлаган қайсидир эркак. Шунда биз рашкимизни ақл билан ул-

чаб, аёлимизни химоя қилишга, нотугри йулдан қайтаришга уринайлик. Ахир Аллоҳ таоло «аёлларни химоя қилиш учун улим ва эркакни яратди», — деб ҳадиси-қудийда бежиз айтмаган. Назаримда гуруру киришимизни бир четга суриб, аёллардан садақотни урганасак арзийди. Яқинда холамини қургани борган эдим. Шунда холамга «Сиз ҳам ҳажга бармайсизми?» — десам. «Менинг ҳажим шу ерда, поччанга хизмат қилиб, ибодатини баҳариб утирибман», — дедилар. Эътибор беринг, оғдий бир аёл, уй бекаси, эрига бўлган садақотни ҳажга тенг қилапти. Мен бу гаплардан катта сабоқ олдим. Биз эркаклар ҳам аёлларимизга садақотлиқни ақали Аёллар йилида шундай уринга қўйиб қурайлик.

Мени уйлантирадиган нарса шуки, барча динларда, барча мамлакатларнинг қонунларида аёллар улуғланган, камситилган, бироқ «Сочи узун, ақли қисқа», «Бурни бўлмаса...» каби камситувчи нақллари қайдан келиб чиққан? Биз Аёллар йилида шундай нақллари нуқтиб юборайлик.

Энг машаққатли қасбларни аёлларимиз эгалашган. Фарзандлар тарбияси ва одамлар саломатлигини таъмин этишда асосан аёллар жонқурлик қилишмоқда. Бошқа соҳадаги хизматларни таъкидламаганимизда ҳам шунини узи аёлларни улуғлашга кифоя қилади.

Қувонч билан шунини қайд этмоқчи-манки, мустақиллигимиз 1991 йилда эълон қилинган бўлса, Аёллар йили деб — 1999 йилни атадик. Иккала йил ҳам «1» ва «9» рақамларидан иборатлиги математик сифатида диққатини жалб этади. Бундан қуринадими, иккала йил орасида муштараклик мавжуд. Демак, Аёллар йили ҳам тарихимизда мустақиллик йили каби улуғлангуси йил бўлиб қолади. Демак, биз энди фақат аёлларимизнинг улуғвор демая, балки бу улугвор йилда жами фаолиятимизни янги улугвор улчамларда ақл эътиришимиз керак бўлади. Бу йилда бирорта таъминнинг қузида ёш қурмайлик, орзуси ушалмаган бирорта аёл қолмасин. Хонадонларимизда вафо ва садақот, ҳушмуомаларига ва камтаринлик ҳукм сурсин. Шунда биз эркакларнинг ақлига ақл, кучига куч қўйиб, бахтли аёлларимиз ила янги асрни қулиб қутиб оламиз.

**Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ,  
олий тоифали ўқитувчи**

## ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, БАРАКА ТОПАВЕРАМИЗ

Навоий вилояти, Нурота тумани ҳоқими уринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шодигул Хусенова муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Йилимизнинг Аёлларга бағишланганлиги нуроталик оналарни ҳам ниҳоятда қувонтирди. Бу йил елкамизга улкан маъсулиятлар ҳам юқлайди. Шу муносабат билан махсус дастур ишлаб чиқдик.

Маълумки, оиланинг тинчлиги ва хотиржамлиги куп жиҳатдан аёл саломатлигига боғлиқ. Туманимиз аҳолисининг 14900 нафарини туғиш ёшидаги аёллар ташкил қилади. Она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш диққат марказимизда. Тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланишига эришдик.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш фаолиятимизнинг асосини ташкил қилади. «Аёл маънавияти», «Мустақиллик-оиламиз тақдирини», «Табаррук она ўғитлари», мавзуидаги семинар машгулотлар мунтазам равишда утказилмоқда.

Бугунги давр шиддатли, замо-

на тезкор. Талаби ҳам шунга яраша. Айна пайтда аёл уй бекасигина эмас, балки тадбиркор ва ишбилмори бўлиши керак.



лармон, кўпга бош-қош, жамиятнинг фаол иштирокчиси ҳамдир. Туманимизда фаол аёллар талайгина. Гўзғон қўргони хотин-қизлар қўмитаси раисаси, «Тумарис» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Фотима Нейматов фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Холисанилло айтганда, бу аёл баъзи эркаклар уdda-

### Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

лай олмайдиган ишларни амалга оширапти. Болалар боғчаси, мактаб, шифохоналарни гушт, сут, туҳум маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Келажакимиз эгалари ҳисобланган болаларимизни ёшлиқдан витаминли овқатлар билан парвариш қилсак, уларнинг соғлигини доимий назорат қилиб борсак, кейин уйимизда ҳам, кўнглимизда ҳам хотиржамлик бўлади.

Хотин-қизларимизнинг дам олиш вақтларини қизиқарли ўтиши учун, «Махалламиз қизлари», «Алла айтишни биласизми?», «Аёл-оила салтанати» мавзуида беллашувлар, турли вилоятларга саёҳатлар уюштирдик. Яқинда бир гуруҳ оналаримиз Хўжа Исмоил ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиб қайтишди.

Биз яна қандай йул тутсак, аёлларимизга яхши турмуш шароитларини яратиб берамиз, уларни кўнглига йул топа оламиз? Уйлаб қарасам, ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз куп экан. Барчасига имкон топишга, куч-ғайратимизни сарфлашга ҳаракат қилишимиз керак. Ахир халқимиз «Ҳаракат қилсанг, барака топасан», — деб бежиз айтмаган.

**НИГОРА ЙЎЛДОШЕВА**

### БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

● СУРХОНДАРЁ Тожикистонлик Муродулло Жўраев Узун туман мол бозоридан 30 минг суммга 2 бош қўқор қўйни сотиб оларкан, беихтиёр оғиздан «суви» оқиб кетди. «Сарибоси» божхона ходимлари йулига туғанок бўлмаганда қўш қўқорни Республикаимиз ҳудуддан ташқарига олиб чиқиб кетган буларди.

Ўтган ҳафта давомида биргина Сурхондарё вилоятида 172 минг сумлик қуй ва 62 минг сумлик қорамол божхона ходимларининг саъийи ҳаракатлари тўғрисида мамлакатимиз чегарасида ушланиб қолди.

● БУХОРО. Асли самарқандлик Абдуҳўшим Хофизов бойиш мақсадида тижоратга қул урди. У божхона юк баённомалари қондаларини бузган ҳолда қўшни Туркменистон Республикасидан 88110 сумлик кир ювиш парашогини олиб кетаётган эди. Лекин гур «тижоратчи» айланма йул орқали кетаётганда божхоначиларнинг тузоғига илиниб қолди.

● ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон» божхона маскани ходимлари томонидан айланма йул орқали кетаётган ГАЗ-53 рўсумили Давлат белгиси 11 А 31-61 автоулову қуриқдан утказилди. Машинида нархи 98 минг сумлик 800 килограмм миғ борлиги маълум бўлди. Бу қурилиш материалининг эгаси эса Ўзбекистон Республикасини фуқароси Дилшод Жўраев бўлиб чиқди. Ушбу ҳолат бўйича божхона маъмурий суриштирув бўлими иш олиб бормоқда.

**Комил ТОШ, Мухтор БЕК**



# Табриқлаймиз!

Азиз падари бузрукворимиз, ҳожи дадамиз Рашид Исмоилов!



Кутлуг 60 ёшингиз муборак! Сизга Аллоҳдан соғлиқ, узок умр, ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз. Бошимиз узра соябон бўлиб, онажонимиз билан қуша қаринг, эл хизматида 40 йил меҳнат қилдингиз, энди меҳнатингиз ва фарзандларингиз роҳатини куринг.

Жонингизга жон бўлай, жонинга дармоним отам, Камтарин, пиру-бадавлат, шавкатим-шоним отам, Гул ҳаётим кўрки, ёрқин даври-давроним отам, Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

Эҳтиром билан кувёларингиз, фарзандларингиз, набираларингиз

Азиз фарзандимиз Қозимжон!



22 январь 5 ёшга тулган билан кутлаймиз. Келгусида комил инсон бўлиб улғайишингни истаймиз.

ОТА-ОНАНГ

Қизим Шохидохон Нуралова!



Сени таваллауд айёминг-ла табриқлаймиз. Соғлиқ, бахт,

узок умр тилаймиз.

Онанг Шоира, жиянларинг Шахло, Мукаррамхон.

ЭЪЛОН

Миробод туманида рўйхатга олинган «ПИК-АР» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ: Давлолат 2 ой муддат ичида 144-23-27 телефони орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманида 5 хонали, 5 сох-ток ёри бор, барча кулайликларга эга ҳовли

СОТИЛАДИ:

Тел: 55-27-23

Давлат андозаси талабига тўғри келадиган шифер ишлаб чиқариладиган, паранда ва молларга ем тайёрланадиган кичик қорхоналар

СОТИЛАДИ:

Пейжер: 067-22-70

«ДИЛОРОМ» УҚУВ КУРСЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ: 2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА.

1. Зардузлик — Бухороча.
2. Бичиш-тиқиш, моделлаштириш.
3. Машинада гул тиқиш.
4. Компьютер билимлари.
5. Бухгалтерия.

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА.

1. Инглиз тили (бошловчилар учун, давом эттирувчилар учун)

Манзил: Муртазов кўчаси, 40-уй, 3-кават, 63-хона.

Мўлжал — «Қозоғистон» кинотеатри. Тел: 35-13-41, 58-48-50

«Матбуот тарқатиш уюшмаси» Акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий мажлиси 15.02.99 йил эрталаб соат 10.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 1988 йил иқтисодий-ҳужалик фаолияти яқунлари.
2. «МТУ» Акциядорлик жамияти Низомига узгартиришлар киритиш.
3. 1998 йил иккинчи ярим йилга дивидендлар тулаш.
4. Кузатувчи кенгаш таркибига янги аъзолар киритиш.
5. Низом фондини ошириш ва иккинчи эмиссия акцияларини чиқариш.
6. Умумий мажлисни утказиш жойи.

Юнусобод тумани, А. Темур — 1 тор кўча, 2-уй, мажлислар залида. Тел.: 133-70-70  
Акциядорларни рўйхатга олиш 15.02.99 йил 9.00 да бошланади. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ

## ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

# БУРГУТ КЎЙЛАКНИ ОЛИБ КЕТДИ

1983 йилнинг август ойи. Уша пайтда Иркутск шаҳрида қуролли кучлар сафида хизмат қилар эдим. Бир куни тушимда узимизга қарашли богда отам билан сув қуйиб юрган эмишман. Богимиз тоғ бағрида жойлашган. Бир пайт тоғ тарафдан бир катта бургут учиб кела бошлади. Шунда отам: «ўғлим, юр энди пастга тушиб, масчитни боғига ҳам сув қуйиб чиқайлик», — деди. Масчитнинг боғига ҳам биз қарар эдик. Шундай қилиб уша ерда сув қуйиб юрибмиз.

Отам куйлагини ечиб, ёнғоқ дарахтига олиб қўйди. Бир пайт бундай қарасам, ҳалиги бургут яна биз томон учиб кела бошлади. Учиб келди-ю, отамнинг куйла-

гани олишга ташланди. Мен «дод» солиб етиб бориб отамнинг куйлагини уша бургутнинг оёғидан тортиб олдим. Отам эса менга қараб бир қулиб қўйди-да, яна ишини қилиб юраверди.

Шунда мен отамга: «Анави бургут куйлагингни олиб кетиб қолишига оз қолди», — дедим. Шунда отам менга қараб: «Эҳ, болам, мени озгина қийнадинг-да», — деди.

Мен отамдан хафа бўлгандай бўлиб, куйлакни яна уша ёнғоқ дарахтига олиб қўйдим. Яна бир оздан кейин ҳалиги бургут яна биз тарафга учиб кела бошлади. Учиб келди-ю яна отамнинг куйлагини олиб тепага кутарила бошлади. Мен яна «дод» солиб бордим лекин куйлакни олиб қололмадим. Бургутнинг

орқасидан қараб турган еримда уйғониб кетдим. Эрталаб турдим уйга хат ёздим. «Мен шундай туш курдим, нима гап», — деб...

Бир ҳафтадан кейин, уйдан отам вафот этганига ҳақида телеграмма олдим. Отам улимдан олдин, «Араббойга билдирманглар», — деб васият қилган экан. Мен тушимни ёзганимдан кейин онам раҳматли: «Мана, барибир билибди. Яратган парвардигор уғлимнинг дилга солибди, энди қақиртирмасак бўлмайди», — деб қақиртирган экан.

Ха, уша тушим, ҳозиргидай куз унгимда туради, унутолмайман. Негаки, ушанда меҳрибон отажонимдан айрилган эдим.

Араббой ТЎРАЕВ, Андижон вилояти

## Эркақлар ўқимасин

Сухбатдошим — бир аёл ҳикоясини тингларканман, ана шундай фикрга келдим. У шундай деди: — Негадир сунги вақтларда турмуш ўртоғим менга аввалгидан бефарқроқ бўлиб қолди. Утирсам ўпоқ, турсам супоқ, деб сал нарсага жанжал чиқаради. Бу ҳолатдан қаттиқ азият чека бошладим. Нима қилиш керак? Бор кучимни ишга солдим. Хар куни тансиқ таомлар тайёрлашга, унинг саранжом тутмишга ҳаракат қилдим. Куйинчи, бир аёл уддалайдиган ҳамма ишни керагидан ҳам зиёда қилсам қилдим-ки, кам эмас. Лекин, аҳвол узгармади, эътибор совиб бораверди. Бир куни буй етган қизим билан суҳбатлашиб утириб, дардимни очиб солдим. У бўлса, ҳеч иккиланмасдан, ҳатто онам-ку, деб аяб утирсамдан, шундай деди:

# УЛАР БИЗНИ БОРЛИГИМИЗ УЧУН СЕВИШСИН...

ман олганда аёллигингиз учун ҳам қадрлашлари керак. Булажак эрим мени фақатгина яхши уй бекаси, болаларининг онаси сифатидагина севадиган бўлса, бунақа турмушнинг менга сира кераги йўқ. У мени борлигим, яна бошқа мендай одам йўқлиги, у севган ягона аёл мен бўлишимни ҳис қилиб севсин.

Сухбатимиз шу билан яқунланди. Мен узимни аёл сифатида ниҳоятда хурлангандек, камситилгандек ҳис этдим. Наҳотки, шу болам тушунган нарсага менинг ақлим, фаросатим етмаган бўлса, — дея узимни ўзим койи-ган бўлдим. Узимни ру-

ҳан тарбиялашга киришдим. Нодир акам менга қандай муомала қилаётган бўлса, мен ҳам унга худди шундай муомала қила бошла-

ни худди шундай тутдим. Узимнинг борлигимни, мен аёл эканлигимни турмуш ўртоғимга шунчалар сездириб қўйгим келдики, асти қуяверасиз.

Турмушимиз тубдан узгарди. Узимга қараб, чиройли кийиниб, ишга кетишимдан тортиб, уйда юришимгача узгаргач, Нодир акам мени кизгона бошладилар. «Қаерга кетаяпсан, қачон келасан, ким билан борасан?» каби суриштиришлар менга ёқаётган бўлса ҳам сир бой бермадим. Узимни совуқ тутдим. Аввалги фикрлашим бўлганида эди, «Вой, эрим мени раҳ қилаяпти», деб еттинчи осмонда учиб юрардим, лекин, энди вазият бошқача...

Шундай қилиб ойлар утиб турмуш ўртоғим эътиборли бўлиб бордилар. Мана, ҳозир тинч, осуда яшаймиз. «Мени эрим яхши кўрмайди», деган хаёллар ҳам йўқ. Энг асосий улар ҳам, мен ҳам бир-биримизсиз яшай олмаслигимизни тушундик.

Инобат УСМОНОВА

## Маслаҳатхона

# БОЛАНГИЗ ГАЗЕТА. ЙИРТСИН

Кузатган бўлсангиз айрим болалар инжиқ, асабий ва хунук табиятли бўлиб қолишади. Шунда биз катталар бунга барҳам беришингиз ҳар хил йулларини қидира болаймиз, лекин ҳаммаша ҳам муваффақиятга эришавермаймиз. Менимча бундай салбий ҳолатларнинг асосий сабаби бола узига мос ва қизиқарли эрмак топа олмаётганида бўлади. Айниқса бу ёш болаларда кўпроқ кузатилади.

Олти-етти йил аввал эҳтиётсизлик қилиб уғлимизнинг оёғини сонигача иссиқ чой билан қуйдириб қўйдик. Бир ярим яшар бола учун бу албатта оғир кечди ва 15-20 кун касалхонада даволатишга турги келди. Эндигина юриб, чала-чупла гапирга бошлаган қувноқ ва шухгина бола шунақанги инжиққа айланди-ки, йиғлатмасдан унга озгина суч ичириш ёки бошқа овқат едириш азоб бўлиб қолди. Яраси тузалиб, оғирмай қолган бўлса-да, ҳар нарсани баҳона қилиб деярли кун бўйи йиғлар, кечалари ҳам тинчлик йўқ эди. Бола озиб-тузиб, ичкики қолди. Врачлар сопақсоқ дейди. Овуттиш учун қилган деярли ҳамма уринишларини беқор кетарди. Биз ҳатто қандайдир тинчлатирувчи икки ухлатадиган дори ҳам бермоқчи бўлганимиз ушунда.

Шундай кунларнинг бирида курсдош ўртоғим оила-си билан меҳмонга келди. Уғлим уларнинг болалари билан бир оз уйнагач, яна эски одатини бошлади. Меҳмондорчилик ҳам «меҳмондорчилик» бўлди. Кетиш олдидан ўртоғим: «Сенга ўғлинг хусусида бир маслаҳат берай, унга эски газеталардан бер-да, узини ёлғиз қолдир», — деди. Мен шундай қилдим. Болага газетадagi расмларни курсатиб, кейин унга ҳалақит бермадим. Шунда у расмлар билан «танишиб» чиққач, газеталарни бир чеккадан йирта бошлади. Газета йиртиш унга шу қадар завқ бағишлар эдики, юзлари куз олдимида ёриша борарди. Биз бу ишни тез-тез такрорлаб турдик. Бола эса аввалги шух ва қувноқ ҳолатига қайта борди. Шундай қилиб уғлимиз ҳеч қандай қўшимча муолажасиз, фақат газета йиртиш ёрдамида инжиқлик дардидан қутилган эди.

Менинг уйлашимча қоғоз йиртишда бола руҳиятига илҳобий таъсир қилувчи жиҳат бўлса керак. АКС ҳолда қўлчилик ёш болалар уйлар деворларидаги гулқорларни йиртишга «ишқивоз» бўлишади. Умуман, бу нарса илҳобий-педагогик таърибда аввалдан аниқдир, балки, Нима бўлганда ҳам шу ишни бизга ўргатган тадбиркор дустимдан ҳали ҳам миннатдорман.

Сиз ҳам, агар тайинли сабабсиз инжиқлик қилаётган ёш болангиз бўлса, шу ишни қилиб қўринг, зора фойдаси тегса.

Шавкат РАВУТОВ



Синглим Д... маслаҳат сурасиз, энди эшитинг. Биринчи навбатда сиз узингизни қўлга олинг. Дунёда сабр-тоқат деган тушунчалар ҳам борлигини унутманг. Вақт ҳакам, вақт даволовчи. Кунлар, ойлар ўтиши билан секин ҳаммаси ўтиб кетади. Сиз ўч оламан, деган фикрингиздан қайтинг. Қурбақа дунёни ўз қўлмагидан иборат деб билганидек, сиз ҳам бу дунёнинг лаззатини, орзу-хавасини фақат уша йигитда қуриб қат-

жасиға етасиз. Масаланинг яна бир томони ҳам борки, сиз буни унутишга ҳаққингиз йўқ. Унга керак бўлмасангиз, ота-онангизга кераксиз. Сизни не-не умидлар билан катта қилган ота-онангиз, ака-ука, жигарларингизнинг тинчлигини, шаънини, орномусининг бир гул қилишга, сиз бош олиб кетсангиз не кўйга тушишини уйламасликка ҳаққингиз йўқ. Айрим қизлар сизга ўхшаб хиёнатга учраганда, «булди, мен учун ҳаёт тугади», деб қарор чиқариб, иродаси бушлик

# БЕШ ҚЎЛ БАРОБАР ЭМАС

«УНИНГ ТҶЙИ ТЕЗРОҚ ҶТСАЙДИ...» 46-сон

тиқ адашасиз. Қўзингизни каттароқ очиб ҳаётга яхшироқ боқинг. Ҳаёт нақадар гузал. Тириклиkning ўзи катта бахт. Қўл овбунгиз бутун, тўрт мучангиз соғ (соғлигидан ажралган ногиронлар қанча), бошингизда меҳрибон ота-онангиз соябон бўлса (етимлар, ота-она меҳрига зорлар қанча), ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қиз бола бўлсангиз бунчалик тушқунликка тушиш сизга ярашмайди. Инсон дунёнинг турфа хил найранглари олдида эсанкираб қолмасдан узини идора қилишни, бошқаришни ҳам урганиши керак.

қилиб, ўйдан бошини олиб чиқиб кетишади. Шаҳарга келиб, ёмон одамлар қўлига тушиб қолишади. Қизлик ифратини йўқотади, бу ёғи мусофирчилик, иқтисодий танглик... Бир дардига ўн дард қўшилиб, гишт қолипдан кўчгандан кейин йиғлаб-сикташади. Булар узбошимчалик, қайсарлик оқибати эмасми? Мен бу мисолни сизни тўғри ҳулоса чиқаришингиз учун ёздим. Чунки бундай қизларнинг дарди олдида сизники ҳар ҳолда осонроқ...

Авалло узингизни фойдали ишлар билан қалгитинг. Ота боболаримиздан қолган ҳикматли китобларни, бадий асарларни ўқинг, маънавиятингиз бойийди, фикрлаш доирангиз кенгайди, ҳаётга теранроқ кўз билан қарашни урганасиз. Ишламаётган бўлсангиз, ишга кириш, хунар урганинг (чеварликми, пазандаликми...), узингизни меҳнатга уринг. Одамларга қўшилиш, янги дўгоналар, дўстлар орттиринг, яшаш осонроқ кетади.

Қиз бола ҳаётга биринчи қадамни нотўғри қўйса, тойиб кетиши ҳеч гап эмас. Севги масаласига келсак, уни сиз йўққа чиқарибсиз. Севги бор, фақат уни саробдан ажрата билиш керак. Агар сеvgи бўлмаганида минг-миг йиллардан бери қўйланиб келаятган юракни титратувчи шеърлар, асарлар битилмаган бўларди. Ҳамма йигитлардан нафратландим, дебсиз. Ҳато қиласиз. Беш қўл баробар эмас. Биттанинг қасрига ҳамма йигитларни айблашингиз нотўғри. Ҳамиятлари, мард эркакларимиз жуда қўл, фақат сиз уларни ҳали учратмабсиз. Яхши ният қилинг, узингизга муносиброқ йигитга турмушга чиқинг. Ширингина оила қуриб, кенг уйнинг келинчаги бўлинг. Ҳаётда авл зотига насиб этиши мўмкин бўлган жамики ширин туйғурлар сизни ҳам четлаб ўтмасин.

Нафиса РАЙИМ қизи

# ЭЙ, ЙИГИТЛАР, АЙЁРСИЗ

«УНИНГ ТҶЙИ ТЕЗРОҚ ҶТСАЙДИ» 46-сон

Сизга фикрим шуки, ўз қадрингизни ва қиз бола гурурингизни йўқотманг. Инсон бу дунёга бир мартаба келади. У йигитни ўйлаб, дунёдан қийналиб ва сикилиб ўтасизми? Турмушга чиқсангиз, бу сеvgи азобини қурмагандай бўлиб кетасиз. Агар ҳаётда вафодор ёр бўлсангиз, балки турмуш ўртоғингиз ундан

ҳам қаттиқроқ севадилар. Менинг бунга ишончим қомил.

**Эй, йигитлар, айёрсиз,  
Севаман, деб оҳ-зор чекасиз.  
Иқроқ бўлгач, қиз сеvgисига,  
Зор йиғлатиб ташлаб**

кетасиз.

ДИЛҶУЗА А.  
Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани

# СИЗ БАХТГА ЛОЙИҚСИЗ

«БОР ЭДИМ МЕН ДУНЁДА, БОРЛИГИМНИ СЕЗМАДИНГ» — 45-сон

Марварид, дил изҳорингизни марвариддек тўкиб солибсиз. Мен худди узингиз билан суҳбатлашгандек бўлдим. Билдимки, Сиз билан суҳбатлашган киши дилдан қониқиш ҳосил қилади. Ахир суҳбатлашш ҳам санъат. Мен Сизга у-бу деб маслаҳат ё таклиф қилмоқчи эмасман. АЁЛЛАР йилида бахт тиламоқчиман,

холос. Сиз бахтли бўлишга лойиқсиз.

Йигитларга келсак, улар табиятан шундайки, ҳеч қачон авларчалик хокисор бўла олишмайди. Лекин, шу мактубингиз йигитларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

Ҳадича ҚУВОНОВА,  
Самарқанд вилояти, Пайарик тумани

# СИЗГА МАСЛАҲАТИМ

«Юрагим дардига малҳам излайман» 45-сон

Синглим Лобар, қўпам тушқунликка тушманг. Бу дунёда нималар бўлмайди. Рост, ҳомилангизнинг отаси тайин экан. Эсон-омон кўз ериганингиздан кейин, Қодирнинг фамилиясида фарзандингизга гувоҳнома олинг. Болани яхши тарбия қилинг. Эҳтимол фарзандингиз яхши одам бўлиб етишар. Отаси тайин бўлгандан кейин ортиқча ташвишни нима кераги бор. Узингизни бир йўла Қодирга боғлаб қўймай, келажакингизни уйланг. Қодир сизнинг бахтингизни поймол қилганлиги учун шу дунёнинг узидоқ жазосини тортаяпти экан. Энди сиз ундан бутунлай умидингизни узинг. У сизга ҳеч ким эмас. У номус ўгриси, у бахт ўгриси. Бу кургуликлар ҳам унга оз. Аммо қиз болада ҳеч айб бўлмайди, қиз бола ҳеч қачон ўғил болага зурлик қилолмайди. Шу кўнгача бирорта қиз ўғил боланинг йўлини тўсиб, зурлик қилибди деганини эшитмадим. Қиз боланинг 41 чироғи бўлади. Бири ёнмаса бири ёнади. Илгари замон-

ларда ҳам гоҳо шунақа уйнашганларни ушлаб, қозининг олдига олиб келишар экан. Қози ҳар иккаласига 25 дарра уришни буюрар экан.

Энди 25 баҳорни қўрган бир болали ёш аёлни кимлар жуфти ҳалол қилгиси келмайди. Ҳали келажак олдинда, бахтингиз очилиб, қорлар ёғиб излар қўмилиб кетади. Сизни тўғри тушунадиган, қадрингизга етадиган раҳмдил, саҳоватли йигитлар чиқса, албатта турмуш қуринг. Бир неча йилдан кейин оилангиз, турмушингизни мақтаб «Оила ва жамият»га яна катта мақола ёзинг.

Шу уринда ҳамма ёшларга шундай дейман. Кўнгил бир машина бўлса, одам уни бошқарувчи. Ҳар ким ўз кўнглига ўзи ҳужайин.

Зокиржон ИБРОҶИМОВ,  
Андижон

# ҶЙЛАНИШГА ҶАЛИ ЭРТА

«МЕН ЭНДИ НИМА ҚЙЛАЙ?» 40-сон

Бобуржон! Сенинг ҳасрату дард, гам-ила ёзган мактубингизни ўқидим ва ўш-бу мактубни ёзишга жазм этдим. Сен мактубда ёзган уша қиз кўз олдинда биров билан ўпишган бўлса-ю, сен яна кўнглим уша қизда деб ёзбсан.

Бобуржон ука! Ҷеч ҳам ҳафа бўлма. Ҷали эндигина 19 ёшга қадм қўйибсан. Бир томонлама ҳа-

ли ўйланишингга эрта. Камида мен сенга 23—24 ёшга кириб ўйланишни маслаҳат берган бўлардим. Ушанда ҳам узингдан 4—5 ёш кичкина қизга уйлан. Қўрасан, ҳали ҳеч нарса қўрмагандек бўлиб кетасан. Тўғри, биринчи муҳаббатнинг айрилиги қўйин, лекин начора, қўникмай илож қанча...

ИСМОИЛ,  
Денов шаҳри

# ҶАЛИ БИЗ БАХТЛИ БҶЛАМИЗ

«УНИНГ ТҶЙИ ТЕЗРОҚ ҶТСАЙДИ» 46-сон

Азизим Д... бек қизи! Сизнинг дил изҳорингизни ўқиб, ўзининг бошимдан ўтган воқеалар ёдимга тушди. Чунки мен худди сизга ўхшаб севиб-севилганман. Мен бу воқеани қўлдан бери газетага ёзиб юбормоқчи бўлардим, лекин мендаги бир кўч бунга йўл қўймасди. Аммо сизнинг мактубингиз сабаб, мен шуни ёзишга қарор қилдим. Менинг ҳам ҳижоам сизникига ўхшаб кетади:

Биз бир курсда, бир гуруҳда ўқиймиз. Ҷозир биз 5-курсда ўқиямиз. У менга сеvgисини изҳор этганда, мен уни сўзсиз қабул этдим. Чунки у билан мен 1 курсдан бирга ўқиб, «бир-биримиз билан жуда қалин сирдош дўст эдик. Уни синовлардан ўтказганим учун бунга розилик бердим. Биз бир йилча яхши муносабатда эдик. Лекин мен унинг мени сеvmаслигини билиб қолдим, аниқроғи билиб юрардим. Бир хат сабаб биз уришиб қолдик. У аразлаб кетди, мен эса ҳақлигимча қолавердим. Уртоқларим менинг ҳақлигимни, унинг ноурин ҳафа бўлаётганини айтишди. Лекин, ҳаммаси бир пулик гап эди, унинг учун. Шунда у менинг кўз олдимда ўзимиз билан бирга ўқийдиган бошқа бир қиз билан топишиб, Лайли-Мажнун бўлиб юришди. Мен эса худди ҳеч нарса қўрмаётгандек, худди у йигит мен учун аллақачон ўлиб кетгандек тўтиб юрдим ўзимни. Чунки мендаги гурур, ор-номус, ҳаф ва ибо ҳис-туйғуларимдан устунлик қилди.

Мен унга ҳеч қачон алинмаслигимни, ўзимни ерга урмаслигимни, худди унга ўхшаб хиёнат қилмаслигимни қўрсатдим бу билан. Зероки, унинг тушунчасида биз каби қизларнинг арзон сотилмаслигимиз, гуруримиз, орномусу ҳаф-ибомиз, ифратимиз ҳамма нарсадан устун туриши сингиб қолсин. Чунки биз — ўзбекнинг қиз-

ларимиз. Бу воқеага ҳам бир йилдан ошди. Мен энди тамоман бошқа инсонга айландим. Менинг дўстларим қўл. Лекин мен энди бирорта ҳам дўстимга ишонмай қўйдим. Албатта, ҳамма ҳам бир хил эмас, лекин қўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотар экан. Шундан бери менинг бирорта йигитга нисбатан ишончим қолмади. Турмушга чиқиш эса ҳаёлимга ҳам келмайди. Мен сеvgига ишонманам, лекин сеvgи дегани улдим-қўйдим, бўсаю ўпичлардан иборат эмас, сеvgини қўл маънода тушуниш мўмкин.

Аммо ҳозирги даврда қўру, сўз билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҷам моддий, ҳам маънавий бой бўлган инсонгина бахтли бўла олади. Чунки моддий бойликсиз ҳам ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Инсон яхши еб, яхши кийиниши керак, яхши билим соҳиби бўлмоғи даркор. Ҷуллас, замон зайлига мос инсон бўлмоғимиз даркор.

Ҷурматли Д! Эҳтимол сиз мен тенги қиздирсиз. Шунинг учун Сизга дўгонажан, деа мурожаат қилмоқчиман.

Азиз дўгонажан!

Ҷаётда ҳамма нарса бўлади. Лекин бир бевафо, ривкорни деб ҳаётингизни зулматга айланторманг. Сиз хат бошида жуда яхши гапни айтибсиз: «Бошқасига турмушга чиқиб кетайми?» — деб. Жуда тўғри иш қилган бўласиз. Чунки сиз ҳам бахтли бўлишга ҳақлисиз. Бир кўн келиб, ҳали бундай енгилтақлар бармоғини тишлаб қўяди, бу пайда сизу менга ўхшаганлар вафодор ва меҳрибон ёримиз ёки умр йўлдошимиз қўйнида сочилиб-очилиб юрган бўлаемиз. Бундайлар биздақа бахтлилар ҳаётини қўриб ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилишсин!

Ҷуқур эҳтиром ила МУҶАЙЁ,  
Бўхоро вилояти



Турмуш сабоқлари

Мен бу камсуқум кишини деярли ҳар куни кураман. У доим қаергадир шошаётгандек қурнади. Шунинг учун ҳам у билан тўқнашиб қолсангиз, салом-алиқдан нарига утолмайди.

Маҳаллада утказиладиган туй-ҳашам, маъракаларда деярли қатнашмайди. Ҳайит кунлари эса эркакларга қўшилиб, бундай фотиҳаларда юрганини эслай олмайман. Бироқ, кўни-қўшни уни камсуқумлиги учун ҳурмат қилишади, салом-алиқни қанда қилишмайди.

Ёши бир жойга бориб қолган бу кишининг исмлари Мумин ака. Шунча йил яшаб ҳали уларнинг уйига кимдир кирганини ёки бировни уйига тақлиф этганини билмайман. Энг таажубланарлиси шuki, Мумин акани одамови десангиз унчалик эмас, салом-алиқ қилаётганда ҳамимий, очик юз билан сурашади. Бироқ, шу пайтда унинг қузиди қандайдир армон яшириниб ётгандек қурнади менга. Шунинг учун булса керак, у киши билан бир сўхбатлашиш истагида эдим.

Яқинда шу истагим амалга ошди. Маҳалламиз кучи билан бунёд этилган муъжазгина боғимиз бор. Баъзида бу ерда кўни-қўшнилар билан шахмат суришамиз. Дам олиш кўни эди. Қўшимиз Рустамжон билан шахмат уйнаётган эдик. Уйингиз шунчалик берилиб кетибмиз-ки, тепамизга келиб турган Мумин акани сезмай қоллибмиз.

— Отни фарзга ҳўжум қилиб ташлаганингиз яхши бўлди, — деди у. Иккаламиз ялти этиб Мумин акага қарадик. — Кечирисизлар, халақит бердим шекилли, — деди у хижолат чеккандек.

— Мен дурангга розиман, — деди Рустамжон ва Мумин акага: —

Агар шахмат уйнамоқчи булсангиз, марҳамат. Ютқазганнинг урнига яна уйнайвераман, кейин, — деди.

Мумин ака «Йўқ, раҳмат, шошиб турибман», қабилида жавоб берса керак, деб ўйлаб тургандим. Йўқ. Бунинг акиси бўлиб чиқди.

— Қани Абдурахимжон, — деди у менга мурожаат қилиб, — синшамизми?

— Майли, — дедим. У шахматни ях-

рб бўлгани учун икки йил утмаёқ доктор бўлдим. Бир олий ўқув юртида дарс берардим. Гоҳида илмий-текшириш институтида тажрибалар утказардим, академияда масъул лавозим беришганди. Хуллас, эртадан кечгача тиним йўқ эди. Келиноингиз эса ишдан хориб-чарчаб келган кезларимда менга нисбатан зўғум қила бошларди, фарзандлардан истихола қилиб утирмай, талаба қизлар билан базми-жамшид қилиб

## ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАЙ

ши ўйнар экан. Унинг мураккаб йўллар қилиши мени анча шошириб қўйди.

Рустамжон «уйга кириб чиқай-чи», деб туриб кетди. Боғда Мумин ака билан иккимиз қолдик.

— Мумин ака, — дедим айна муддаога утиб, — шахматни яхши биларкансиз у, нега бундоқ бизларга қўшилиб ўйнамайсиз? Ҳамиша ташвишдан боши чиқмайдиган одамдек юрасиз?

— Абдурахимжон, — деди Мумин ака бир нафас тин олиб. — Гапингизда жон бор. Сизга очигини айтсам булар, тушунадиган одамсиз-ку. Оила қурганимга 40 йил бўлибди-ю, лекин мен ҳеч кимга бундай турмушни раво қурмайман. Негаки, келиноингиз, хотиним...

Мен ҳозир бир институтда бўлим бошлиғиман. Агар шу келиноингиз бўлмаганида, каттадан-катта мансабларга, даражаларга эришадиган чўтим бор эди. Институтни тугатибқоқ фан номзоди бўлганман. Илмий мавзўим долза-

калаяспиз, деб нафсониятимга тегарди. Тишимни тишимга босиб чидадим. Обруйимни ўйладим.

Келиноингиз андишанинг отини кўрқоқ қўйиб, зўғумни тагин ҳам кучайтирарди. Бир кўни унга:

— Балки уйда утириб зерикаётгандирсиз, олий маълумотли ўқитувчисиз-ку, ишланг, — дедим у қолдим балага.

— Мен ишга чиқсам билиб қўйинг, бутунлай Сиз билан хайрлашиб кетаман. Кетганда ҳам шармандангизни чиқариб кетаман. Талабалардан ўйнаши бор, деб жар соламан, — деди у шовқин солиб.

— Бўлди, тўхтат, — дедим мен ҳам сансираб, — тилим бор деб гапираверасанми? Болаларни ўйласанг-чи, оиламиз обрусини ўйласанг-чи?!

— Э, одамлар, эримнинг дастидан до! Бу олим эмас, золим-ку!, — дея у баттар айюҳаннос солди.

Мен асабийлашиб столни қарсиллатиб ўрдим. Хотиним эса милицияга қа-

раб югурди ва милиционер йигитни етаклаб келди... Милиционер эса суриштириб утирмай, қандайдир касалхонага телефон қилди. Суроқ-жавоб тугамай туриб, «Тез ёрдам» машинаси ҳам етиб келди. Улар ҳам куллариمنى қайтариб машинага орттишди ва руҳий касалхонага элтишди.

Врач аҳолимини кўриб, «Асаблар чарчаган, лекин руҳан соғломсиз. Намочра, олиб келишибдими беш-ун кун ётиб даволанишингизга тўғри келади», — деди.

Ана шу воқеа туфайли пешонамга «Жинни бўлиб қўлибди», деган тамга босилди. Аста-секин олий ўқув юртидан, фан даргоҳларидан, жамиятлардан турли бахоналар билан ишдан четлаштирила бошладим. Охири кўчага чиқа олмай қолдим. Оқибатда маҳаллага чиқиб аралашиб юришдан ҳам тортилдим.

Биласизми, бир армоним бор. Эркаклардек туй-ю маъракаларга борсам, сизларга ўхшаб ҳар замонда бу ерга қиқиб шахмат ўйнасам, дуслариمنى уйимга қақриб қулбола палов дамлаб берсам, келиноингиз хизмат қилиб турса. Эрталаб ишга кетаётганимда вақтли ўйғониб чой дамлаб, кийимларимни дазмоллаб, чўткалаб, эшиккача кузатиб, ишга жўнатса. Эҳ қанийди!

Шу пайт узоқдан бир аёлнинг зардали товуши эшитилди:

— Хув, Мумин ака, беркорчилик муборак бўлсин. Бу ёқда экансиз-да, қидирмаган жойим қолмади-я...

Мумин ака эса мен билан хайру хўш қилишни ҳам насия қилиб, дик этиб уридан турди-да, хотинининг қошига пилдираб югуриб кетди...

Абдурахим МАХСУМОВ

ДИЛ ИЗҲОРИ

## МЕНДАЙ ҚИЗНИ КИМ КЕЛИН ҚИЛАДИ?

Ёшим 15 да. 9 — синфда ўқийман. Айтишларича, бир ёшга тўлганимда отам билан онам ажралишган экан. Отам мана 14 йил бўлибди, бирон марта келиб қизим борми-йўқми деб сурагани йўқ. Узингиз ўйланг, у қанақа отаки, бирон марта келиб сурамаса. Мен керакмас эканман, нима учун дунёга келтирди? Мен отамни «ота» дейману лекин, унинг кимлигини билмайман. Менинг бу хатимни балки отам ўқиб қўлиб, мени суроқлаб келади, деган умидда ёзаяпман. Яна бир мақсадим-менинг отамга ўхшаганларнинг фарзандлари қанчалик қийналиб, оталарини соғиниб яшашларини ҳис этишларини истаيمان. Онам отам билан ажралгандан сўнг умуман мен билан иши бўлмай қолган, ёмон йўлларга кириб кетган. Менга бувим билан бобом қарашган. Бобом кўп ичарди. Бувим билан нуқул уришишарди, жанжал — тўполон буларди. Бувим билан бобом ҳам ажралишди. Мен бувим қўлида тарбия ола бошладим.

Холам билан бувим ҳам ҳозир жуда кўп ичишади ва менга «Сен ҳам онангга ўхшаб суюқоёқ буласан», — дейиша-

ди. Узингиз ўйлаб кўринг, уэ холам, бувим менга шу гапларни айтгандан кейин бегоналар нима дейди, ким мени уэ хонадонига келин қилиб олади? «Онаси фоҳиша, отасининг тайини йўқ, Холаси, бувиси ҳам ичувчи экан», — деб айтишмайди. Шуларни ўйласам, бу дунё кўзимга қоронгу бўлиб кетади. Бувим мени боқиб шунча ёшга етказганига раҳматлар айтаман. Лекин бувим ҳар кўни ичади. Узингиз биласиз, ичган одам эса... Бирпасгина тинч утириб бўлмайди. Дарс қилишга ҳам қўймайди. Нима қилай? Қаерга борай? Ўйлаб-ўйлаб мен учун икки йўл қолганига амин бўлаяпман, ё ўйдан чиқиб кетишим керак ёки... Онам ҳозир яхши ҳаёт кечиряпти. У янги уйга келин бўлиб тушди. Худо хоҳласа укалик ҳам бўламан. Лекин бувим мени онамга бермайди. Ана шунақа чорасиз аҳволда қолганман. Мен уэ яқинларимга ўхшаб ҳаёт кечирини сира-сира истамайман. Айтинглар, мен учун нажот йўли борми?

Маслаҳатингизни кутиб қоламан.

3.

Фикр

## КУЁВЛАРГА БИР НИГОҲ

Ўзбек оилаларида куёвларни улуглашади. Улар ҳамини иззат-икромда, мавқеи ва мартабаси баланд ҳар доим. Куёвларга курсатилган мулозаматлар — бу энг аввало қизларимизга қилинган ғамхўрликдир. Қолаверса, қудандага булган иззат-ҳурмат ҳам ҳисобланади.

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир подшо уз навкарлари билан овга кетаётган экан. Подшо бир қишлоққа кираверишда отдан тушиб пиеда юргиди. Бундан ҳайратланган навкарлардан бири подшодан бунинг боисини сурабди. Шунда подшо: «Бу қишлоққа қизим келин бўлиб тушган», деб жавоб берган экан. Катта бир юртни бошқариб турган подшо ҳам уз кўввини беҳад ҳурмат қилганлиги ўшбу ривоятдан маълум бўлмоқда.

Лекин ҳамини эъзозу эҳтиромда саналаётган куёвлар узини қандай туттишяпти? Улар, агар таъбир жоиз булса, «саломга яраша алик қайтаришяптими»? Афсуски, кунгилни хира қиладиган бу саволга ижобий жавоб бериш мушкул. Албатта қайнота-қайнонага уғилдек яқин ва азиз тутинган куёвлар бисёр. Бироқ шולי курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида узбошимчилик билан иш юритадиганлари ҳам йўқ эмас. Ҳозирги пайтда айрим куёвлар негидир қайнота, қайнонасиникига имкон қадар камроқ боришга ҳаракат қиладилар. Келинининг ота-онаси эса куёвларни ўғил урнида қуришни кўпроқ истайдилар. Фикримнинг исботи тарихасида бир мисол келтирмоқчиман. Яқин дўстим билан тўйга бораётгандик. Йўлда кетаётиб машинани бошқариб бораётган дўстимнинг углини гапга тутдим:

— Саидаъзам, қайнота — қайнонагизни йўқлаб турасизми?

— Ҳар замон-ҳар замонда бирров кўриниш бериб тураман, — деди у.

— Нега унақа? — қизиқиб сурадим.

— Энди камроқ кўринган яхши-да, — деб жавоб берди у. Шунда куёвларимизнинг қам келиши утирган ўрни илимасдан кетишга чоғланишининг боисини тушунгандек бўлдим.

Маълумки, қизимизнинг келин бўлиб тушган хонадонига мустаҳкам жойлашиб илдиэ отиб кетишида куёвларнинг роли катта. Куёвлар эса турфа феъл: айримлари иззат нафли, ғурурли ва узига бино қўйган. Баъзилари булса узига ҳос уяр ва қайсар.

Ўзбекларнинг туй-ҳашамлари кўп. Ҳатто шундай маросимларда ҳам куёвлар иззатда бўлишади. Уларга қайнота-қайнона тўғридан-тўғри бирор юмуш билан мурожаат этишга истихола қилишади. Одатда, бундай юмушларни режалаштиришда бошқалардан кўра кўпроқ куёвларнинг раъйига қаралади. Халқимиз азбаройи андишали, ор-номусли бўлганидан шундай қилишади. Етти ўлач бир кесишади. Ҳар томонлама ўйлаб, сўнг бир қарорга келади. Бошқа миллат вакиллари эса... Корейс миллатига мансуб бир танишимнинг учта куёви бўлиб, ҳаммасининг энгил миллисига бор эди. У бирор жойга бормоқчи бўлса, уччоловиниям қақиради. Албатта у бунга юмушларни дам олиш кунларига мулжаллайди. Хоҳлаган куёв қайнота-қайнонанин ҳолатини чиқаради, бошқалари қайтиб кетаверилади. Танишимдан: «Нега бундай қиласан?» деб сурасам, «Ахир мен отаман, қизларимни шунча йил тарбиялаб вояга етказдим», деб жавоб беради. Қўрғаскизи, қайнота куёвга ҳадди сиғиб бирор юмушни буюра олади. Ўзбекларда эса унақа эмас. Аксариятимиз қиз устириб узимизни айбдордек ҳис этиб яшаймиз. Пайгамбарлар сийлайди, дея куёвларимизга бир сўз айтишга журят қилолмаймиз. Шунга яраша куёвларимиз ҳам меҳр-муруватларини дариг туттишмаса, узларини «ёв» сузидан асрашса яхши буларди.

Э. ИБРОҲИМОВ,  
Тошкент



Люзани куриш учун унинг уйига борганимизда, у билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим. Ун турт ёшли ногирон қизча, болалигидан қандли диабет касаллигига чалинган, ҳозир касаллигининг энг оғир босқичини бошидан кечираяпти. Сулим чехрасида ҳорғинлик, хасталик сезилиб турса-да, суҳбатимиз чоғида майингина жилмайиб, ҳеч нарсадан нолимаслиги, узини эркин тутиши мени ҳайратга солди: «Ё, раббим, ҳавлимдан кечирдим мен». — Кичкинагина жусса шунча дардни, ёлғизликни бошдан кечирса-я, келгусига, узига ишончини қаранг...»

Люза ҳали эсини билмасидан отаси улиб кетди, отасини суратидан танийди. Онаси урта мактабда ўқитувчи эди. Ёлғизгина жигаргушаси соғлигини тиклаш илинжида яхшироқ маош берадиган корхона — Қашқадар вилояти иссиқлик ишлаб чиқариш бошқармасига ишга утиб ишлади. Она қизалоқни даволаш масканларига олиб борди, даволаттирди. Табибларга қаратди, бўлмади. Қизалоги кун сайин қуриган гивҳдек сулиб борарди. Люзадан ўзга фарзанди бўлмаган она шурлик шифохона, шифоатхоналар эшикларидан саргайди. Ҳар кимсга дардини айтиб йиғлади, шифо тилади. Она югура-югура чарчади, оғир дардга чалиниб, ёлғизгина жигаргушасини етим қолдириб ҳаётдан куз юмди.

Люза онасидан мерос икки хонали уйда бир ўзи қолган эди. Уша вақтлардаги

корхона раҳбари Умар Султонов бошчилигида касабга уюшма кумитаси Люзанинг холалари билан биргаликда маъракаларни ўтказдилар. Ҳукумат ҳисобидан берилётган нафақадан ташқари корхона дори-дармон, егулик, кийим-бош, совға-саломлар ҳадя этди. Халқ сайлларидан махсус машиналар-

га муҳтож кишиларимизга моддий, тиббий кумак берамиз? — Мустақиллик байрамигача иситиш воситаларимизни, буг қозонларимизни ва бошқа манбаларимизни сифатли қилиб тазмирлаб олдик, — дея суҳбатни давом эттиради раҳбар уринбосари Умар Султонов. — Бунинг учун «Сталь —10»,

## СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, ЛЮЗА

да концертларга олиб боришди, ногирон қизчанинг кунглини кутаришди. Ҳамдард бўлишди. Қизча онасининг сарфдошларига, ранго-ранг табиатига, тасодифларга бой, кун нарсалар ваъда қилаётган ҳаётга меҳр қўйди. Умид боғлаб яшай бошлади.

Кунлар ўтди, замонлар ўзгарди. Энди корхона раҳбари этиб Журабек Худойбердиев тайинланди. Раҳбар ўзгарганидан кейин негадир корхонада лоқайдлик, одамларга эътиборсизлик тобора ортиб борди.

— Корхонамиз ҳаёмидаги 146 миң сўм пулимизни ололмаямиз, — дейди корхона касабга уюшма кумитаси раиси Тоштемир Умарбеков. — Аққамиз бўлмаганидан кейин қандай қилиб ногиронларга, беморларга, ижтимоий ҳимоя-

«Сталь—20» русумли Россия қувурларидан сотиб олганимиз, иссиқликка чидамли энг қимматбаҳо гишларимиз ҳам етиб ортади.

Хуш, миллионлаб маблағ сарфлаб, масъулиятни бажариш учун маблағ, кучини аяматган саккиз юз кишилик меҳнат жамоаси нега энди ҳаёт билан улим орасида муаллақ турган беморга арзиман пул билан кумак беролмаяпти экан? Кечагина одамлар дуосини олиб, савоб ишлар қилган солиқ раҳбар Умар Султонов қилган ишни нахотки янги раҳбар удралай олмасан?

Люза билан суҳбатлашиб утирганимизда, «Соғайиб кетсанг,» — деб сурадим.

— Раҳматли онам ишлаган корхонада ишламоқчиман. Лицейга ўқишга кириб, компью-

### Дийдор

тер техникасини, ҳар хил улчов аппаратларини урганмоқчиман, — деди қизалоқ севи-ниб.

Хайрлашув чоғида негадир Люзанинг қовоғи солинди, нимадир демоқчи эди шекилли.

— Люза, нима демоқчи эдинг, айтақол, — дедим.

— Биласизми, — деди қизалоқ оғир уйга толиб. — Нега энди менинг касалимга чалинган одамларни даволайдиган шифохоналар йук, мен тезроқ соғайиб кетсам дегандим.

Унинг сунгги сузлари томоғига тиқилди, лекин сир бой бермасликка уринарди.

— Қизиқ экансан, Люза, — дедим мен, узимни аранг тутиб. — Ҳозир тadbиркор миллионерларимиз, минглаб кишилар ишлайдиган корхоналарни сотиб олиб иш юри-таяптилар. Ҳали тadbиркор юртдошларимиз дунёнинг турли бурчакларидан тиббий дастгоҳлар, ускуналар, дори-дармонлар олиб келишиб, қандли диабет касалликларини даволайдиган шифохоналар очмайди, деб сенга ким айтди? Ушанда аёллар беморлик нималигини билмай утадилар.

Қизча ҳеч нарса демади, унинг болаларга хос самимий кунглида ҳаётга, одамларга ҳурмат, ишонч ҳисси уйғонди. У ёлғиз эмаслигини билди. Кулларини кутариб, биз билан хайрлашавтганида дардли қиёфасида майингина табассум балқиди.

Исоқ САТТАРОВ

### 1999 ЙИЛ — АЁЛЛАР ЙИЛИ

## ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРСИН

Тошкент шаҳар Чилонзор туман хотин-қизлар кумитаси фаолиятининг наватбодига йиғилиши Аёллар йилига бағишланди.

Туман ҳокими муовини, туман хотин-қизлар кумитаси раиси Муаттар Содиқова йиғилишда сузга чиқиб шундай деди: Аёллар йилида бажариладиган барча ишларимиз оила ва жамиятимиз учун фойдали бўлиши керак. Тадбирларимиз юзаси, ҳужажкурсинга бўлмасин, олтинга тенг вақтимизни уйин-кулгига сарфламайлик. Ҳар бир маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси узининг қилинажак режаларини аниқ, пухта белгилаб олсин. Бир ёқлама тадбирларга — келин саломлару фақат дастурхон безатишларга берилиб кетмаслигимиз керак. Маънавий юксак аёл турмушини ифодаловчи давралар ўтказишимиз ундан одамлар наф олиши керак. Туманимизда 43 та маҳалла бор. Масъулиятимиз, вазифаларимиз ҳам шунга яраша кенг қамровли бўлиши лозим. Аёлларимизда меҳнаткаш, тиниб-тинчимас, ғайратли. Маҳаллаларимизда фидойи, тажрибали, обрўли фаолларимиз кулпал топилади. Улардан ибрат олайлик, урганайлик.

Маҳаллалар хотин-қизлар кумиталари раислари Р. Файзуева, Холидахоним, Манзура опалар йиғилишда суз олиб аёлларни фаолликка қорладилар.

Нодира Ибодуллоҳ

### Навоийни ўрганамиз

## МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

(Боши ўтган сонда).

Ясовул — мирзабози — шундай одамки, у мазлум, эзилган кишини золимнинг зулмидан қутқаргай. Лекин бу хизмати учун ҳалиги мазлумдан ортиқча ҳақ олгудай бўлса, у ҳам зулмкорнинг зулмига каттақон шерикдир. Ва агар олган ҳақи ҳизмати-дан кам бўлса, бу унинг мард ва муруватлигига далолатдир. Борди-ю, астойдил иш битирса-да, ўзига тегишли бўлган ҳақни олмаса, бундай одамни чин авлибе деса бўлади.

Шоҳга қарам одамларнинг иши ва муносабати ҳам шоҳнингкига ўхшаш бўлади. Агар шоҳ адолатпарвар бўлса, аҳолисида ҳам адолат асарлари бўлади. Агар шоҳнинг одати халққа зулм қилишлик эса, эли ҳам зулм фикри билан яшайди. Агар шоҳ эътиқодли бўлса, халқнинг шiori ҳам ислом ва дин бўлади. Агар шоҳ кофиртабиат бўлса, қарамоғидагиларда ҳам шундай кофирлик феъли бўлади.

Қози — мусулмонлик биносининг таянчидир ва мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишларини юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Ҳамирида шахсий манфаатга мойил бўлмаслиги, соф кунгли иккиюзламчилик иллатидан холи бўлишлик лозим; у ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи керак. У шаърий ҳийалларини уз кунглига, ҳуқуқшуносларнинг шубҳали айдовларини уз замирига йулатмаслигини шарт...

Агар қози порахур бўлса, ислом дини қургонига раҳна

солувчи бўлади, агар у пора бериб, қозилик мансабига утирган бўлса, пора эвазига шариат қонунини бемалол бузади...

Мударрис — мансаб ва амалдорликка қизиқмаслиги, узи билмайдиган илмдан дарс беришга уринмаслиги лозим; у узини олим ва билармон деб қуртасмаслиги; турли-туман ахлоққа хилоф ишларни «қил-са ҳам бўлади» деб ҳаромни ҳалолга чиқармаслиги, одамларни ёмонликка ургатмаслиги; қилиш керак бўлган ишларни қилмасликни ҳам одамлар ундан урганмаслиги керак.

Табиб — агар уткир ва шафқатли бўлса, Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни танга киритиш бўлса, бунинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармаслиқдир...

Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирди қабиридир. У тиг билан улдириб, бу захар билан жазолайди. Шубҳасиз, жаллод бундай табиидан яхшироқдир: зеро, у гунохкорларни улдиради, бу эса бегунохларни ҳалок қилади.

Шоирлар — бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳ — халқнинг таърифига эҳтиёж сезмайдиган бўлиб, қиладиган ишлари маънолар ҳазинасидан жавохирлар йиғмоқ ва у жавохирларни эл эзгулиги учун назм илгига тизмоқдир. Буларнинг назмлари шундай табаруқ каломларки, ҳурмат юзасидан уларни шеър дейишга ҳам элининг тили бормайди.

Яна бир гуруҳ шоирлар борким, улар ҳақиқат сирларига мажоз сирларини аралаштириб, уз фикрларини шу услубда ифода этибдурлар...

Яна бошқа бир гуруҳ бўлиб, уларнинг кунчилиқ асарлари мажозий маънодадир...

Тагин бир гуруҳи — ҳақиқат ва инсоний севгини мадҳ этиш йулида камолга эришгандирки, дунёдаги илоҳий ҳақиқат шайдолари ҳам, пок инсоний муоаббат ахллари ҳам буларнинг латифи ва маънодор сузлари билан хушнуддиллар ва тарқатган маърифатларидан хузур қиладилар.

Боз устига бир гуруҳ шоирлар — пастки табақдаги жамоат бўлиб, булар фақат шеър эвизи билан шод ва хурсанддилар. Улар юз машаққат билан бир байт тукий олсалар, шоирлик даъвосини етти қават осмондан ҳам ошириб юборадилар.

Мактаб аҳли — мактабдорни, инсоф билан айтганда, у ҳар қандай иродали бўлса-да, биргина бола тарбияси ҳам чарчатади. Мактабдор домла эса, бир туда бола-ларга илм-абад ургатади. Шуниси ҳам бори, болалар орасида фаҳми идроки озларни ҳам бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақиқат кун; шу боис шогирд ула-гайча, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам уз муаллимга қуллуқ қилса арзийди. Бинобарин, устози ундан рози бўлса, тангри ҳам рози бўлади.

(Давоми бор)

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ тайёрлади

### БУНИ ҚАРАНГ

## АРВОҲ ЁРДАМ СЎРАЙДИ

Тирик инсонларнинг нариги дунёдан келган руҳлар, ҳаёлий тинсоллар, арвоҳлар билан ақл бовар қилмайдиган туқнашувлари адабиятда кун учрайди. Лекин аини замонда учраётган кулпал воқеалар бундай туқнашувлар бугун ҳам борлигидан гувоҳлик бермоқда.

Хуш, бундай ҳодисаларнинг моҳияти нима? Йуқ нарсаларнинг кузга қуринишими? Ёки табиий ҳодисалар туғрисидаги фанга номаълум бўлган яна бир нарсами? Ҳеч ким билмайди. Бир нарса аниқ: бундай ҳодисаларни ҳар доим ҳам руҳий етишмовчилик ёки бузилиш сирасига қўйиш мумкин эмас. Чунки арвоҳларнинг пайдо бўлишига қўпична узининг оғир-вазминлиги билан танилган, мия фаолияти бузилиш аломатларидан жуда яхши хабардор кишилар ҳам гувоҳ бўлишяпти.

Доктор Уэйр Митчелл (Филадельфиялик — АҚШ) уз касбининг энг яхши билимдони саналади. У Америка врачлари уюшмаси президенти ва Америка неврология жамияти президенти ҳам бўлган. Бу инсон шахси гоғат ҳурматлидир. Шунинг учун Уэйрнинг узоқ қиш оқшомларининг бирда узи дуч келган мутлақо ақлга сизмас ҳодиса туғрисидаги ҳикоясидан кўп сийлаш кийин.

Қунда изгириин ёлмоқда. Сунгги меҳозини кузатиб қуйган Уэйр Митчелл кароватга утириб китоб ўқий бошлади. Тустадан дарвозанинг кунгирогги жаринглади. Бунчалик бемаҳалда ким бўлиши мумкин? Доктор ҳалатини ва шилпагини кийдида эзналождан патга тушди. Эшик олдида нотаниш қиз турарди, бундай об-ҳавода жуда енгил кийинган, палтосиз, фақат кук жун куйлак ва иша туғноғич билан томоғининг тагига қадаб олган шотлан шол румоли бор эди, ҳолос.

— Менинг онам жуда оғир касал, — деди у. — Унга дарҳол ёрдам зарур. Илтмос, мен билан юринг.

Унинг кузлариде йилтлаб турган ёшлар докторни рози бўлишга мажбур этди. Улар ҳул изгириинда камбағаллар мавзеси томонга узоқ юришди. Доктор совқотди, лекин қиз енгил куйлакда хотиржам борарди. Бутун йул буйи у Уэйрга ҳеч нарса демади. Нихоят у докторни кароватда урта яшар аёл ётган бир қаватли кичик уйга бошлаб кирди. Митчелл уша захотиёқ беморни текшириб қурди. Пневмония, бунинг устига оғир шаклдагиси.

Қиз ҳақ эди, унинг онаси жуда оғир ахволда ётарди. Доктор сураш уколларни қилди ва бемор учун қўшимча иссиқ одеяля сураш мақсадида орқасига утирилди. Чунки ҳона қундан илқ эмасди. Аммо ҳонада Уэйрнинг ўзи ва бемордан бўлган ҳеч ким йуқ эди. Фақат орқасидеги шифонерда қизнинг устидеги кук куйлак ва шол румол осигилк турарди, ҳолос. Доктор уларга қул теккизди ва ҳайрон қолди, кийимлар гув қиз емгирли изгириинда юр-магандек қул-қуруқ эди.

— Бу қизининг кийимлари, — деди аёл. — Биламан, — жавоб берди Митчелл. — Лекин қани у? Мен у билан гаплашиб олишим керак...

Аёл йиғлаб юборди. Унинг гаплари машҳур врачни бутунлай қарахт қилиб қўйди: «Гаплашиб дейсизми? Доктор, унинг улганига мана икки ой бўлди...»

Мухтор БЕК тайёрлади



Ярим тун... хонада сирли сокинлик ҳукм сураятти. Бу пайтда ҳамма ширин уйқуда бўлади. Лекин, менинг кузимга уйқу келмайди. Сиз ҳақингизда уйлашасизми ҳаракат қиламан, барибир сиз билан утказган ширин туйғуларга бой унутилмас дамлар ёдимга тушаверади. Аламлирим бўзимга тикилиб, ачиққуз ёшларим даредек оқиб чиқаверади. Ёстикни қучоқлаганча узоқ йиғлайман. Ҳавлимда сиз билан суҳбатлашаман.

Биласизми, Б... жон менинг сизга бўлган муҳаббатимнинг чек-чегараси йўқ эди. Уйлаб курсам, ҳеч

## ҚАДАМИМНИ

ким қалбимдан сизчалик чуқур урин олмаган экан. Сиз мен учун ҳаётимда энг азиз инсонга айланган эдингиз. Чунки сиз туйғули ҳаётимда биринчи бор ширин туйғуларга дуч келган эдим. Муҳаббатнинг оташ сузларини илк бор сиздан эшитдим. Сиз туйғули феълую атворим ҳам, дунёкарашим ҳам узгарди.

Мен узимни жуда бахтиёр ҳис қилардим. Бир куни олдимга Р. исмли дустингиз келди. Р. яқиндагина ҳарбий хизматдан, йигитлик бурчини утаб қайтган эди. У менга бирга юришни таклиф қилди. Мен рад жавобини бердим. Шунда сизга кузим тушиб қолди. Сиз рўпарада бизни кузатиб турган экансиз, Р. сизга бориб нима дегани менга қоронгу. У яна икки кундан кейин сиз олдимга келиб «Сизга маслаҳатим Р. билан юринг, шўх бўлгани билан гап йўқ бола», дедингиз. Тўғри Р. ёмон бола эмас, (шўхлигини ҳисобга олмаганда) лекин мен ҳам бир буюм эмасман-ку, қўлдан-қўлга утиб кетаверадиган. 7 июнь тугилган кунингиз экан. Кучангиздан утиб кетаётсам уйингизга қизлар кириб кетишди. Алам қиларкан одамга, севган кишинг тугилган кунига сени айтмасан-ю бегона қизларни айтса. Уйлагудек бўлиб кетатириб Р. ни учратиб қолдим. У яна эски гапни қўзғаси. Алам билан мен унга розилик бериб юбордим. Ҳар куни маҳаллага сут ташлашга утсам «Р» кутиб турарди. У билан бироз гаплашиб уйга кетардим. Бир куни кечроқ боргандим. Шу куни ҳам Р.ни учратдим, сутни ташлаб қайтаётсам, «Бироз турайлик», — деди. Бироз гаплашгач, у шартта уридан турди... Мен узимни унинг қўлида кўрдим. Бир амаллаб қўлидан чиқиб уйга қараб қолиб кетдим. Эртаси куни сутни топшириб кетаётиб Р.нинг ўқаси А.ни учратиб қолдим. У кузатиб қуяман, деди. Кучамизгача бирга

келди. Куча қоронгу эмасми, энди хайрлашиб кетаман деганимда қўлидан ушлаб узиға тортди. Бир зумда унинг қўлиданман. Бир силтаниб уни қўлидан чиқиб кетдим. Уйга кириб роса йиғладим. Сизнинг менга бераётган азобингизга эмас, қиз бола бўлиб бу дунёга келганимга афсусланиб, йиғладим. Кейинги куни сизни учратдим. Сизни учратганимга қувониб кетдим. Сиз эса мени бевафоликда айблагингиз. Р. билан А. сизга нима дейишгани менга қоронгу, сиз менга: — «Мен сиздан бунга кутмаган эдим. Куринишингиздан туппа-тузук қизга ўхшайсизу, аслида... Сиз ҳам акаси, ҳам ўқаси билан уялмасдан гаплашиб юрибсиз, нахотки сизга битта севги камлик қилса, ёки бутун маҳалла болалари билан юриб курмоқчимисиз», — дедингиз. «Ахир бу ҳаммаси тўх

## ҲЙЛАБ

мат-ку», деб мен сизга бор гапни тушунтириб бермоқчи бўлдим. Сиз эшитишни ҳам истамадингиз.

Афсус, сиз мени ташлаб кетдингиз. Ҳаттоки биринчи учрашувдаги ваъдангизни ҳам унутдингиз. Мен ҳозир шаҳардаги уйимизда турибман, қишлоққа кам бораман. Лекин ҳар борганимда сизни бир бора кўриш илнжиди нигоҳим билан излайман. Излайману, топа олмайман. Бир кун Д. исмли дўғонамдан сизни сурасам, — Б. ўқишга кириб олган, ҳозир у ҳам шаҳарда», — деди. Сизнинг шаҳарда ўқитганингизни эшитиб жуда севиндим. Мен сизни шаҳардан куп изладим. Лекин топа олмадим. Афсус, мен сизни ҳозир қаердалигингизни билмайман. Ҳамиша сизни кутиб яшайман. Бу дунёда борлигингизга, мен билан бир ҳаводан нафас олаётганингизга минг бора шўкр қиламан. Қаерда бўлсангиз ҳам соғ-омон бўлинг. Чунки сиз мени «Муҳаббат» аталмиш чўққига олиб чиқиб билмаганимни билдирдингиз. Аммо мен армон ва изтироблар дарёсига қўлаб тушдим. Ҳозир эса алам ва соғинч дарёларида сузиб юрибман. Мени бу дарёдан ким тортиб олар экан?

Мен сизга раҳмат айтимоқчиман. Сиз менинг қўлимни очдингиз. Ҳаётга меҳр билан эмас, озгина нафрат билан боқишни ўргатдингиз. Ҳаммага ям ишонавермасликни, қадамни ўйлаб босиш кераклигини тушуниб етдим. Лекин, кеч тушундим. Аллақачон орзу-умидларга лимо-лим қалбим

## ДИЛ ИЗҲОРИ

чилпарчин бўлган эди. Менинг юрагимдан илдириб отиб кукариб чиқаётган севги аталмиш туйғу куртак ёзиб гулламадан ҳазон бўлди. Бунга ким сабабчи? Мен ҳа, ҳа, мен узим сабабчман. Мен сизни ҳеч қачон унутолмайман, деб куркаман. Сиз мени илк бора бахтли қилган ва шу бахтли йиллар утиб тортиб олган инсонсиз. Ҳа, ҳаёт узи шунақа экан, бировга бахт беради, бировнинг бахтини тортиб олади. Кунлар утиб, балки бахт яна менга қўлиб боқар. Узга йигитдан бахтимни топарман. У билан янги ҳаёт бошларман. Этак-этак фарзандларимиз ҳам булар. Лекин, чил-чил бўлган юракни бутунлаб булармикан. Куча-қуйда учрашиб қолганда, кузлар-кузга тушганда юракнинг туб-тубида яшириниб ётган ўқинч, алам, соғинч, армон туйғулари тугён кутармайди, деб ким кафилик бера олади. Ҳеч ким...

Ҳа, дунёда ҳақиқатни топиш қийин экан. Ҳаётимда бир марта адашдим. Кушим мошдек очилди. Менинг бахтим, баҳорим деб интилайтганим аслида садоқ экан. Аламлар ич-этимни кемира-кемира адо қилаяпти. Эй худойим, бу азоблардан қачон қуту-

## БОСГАНИМДА ЭДИ...

ламан? Балки мени астойдил қилган оҳу-нолаларим худойимга етар. Узун тунлари уйқусиз куз ёш тукишларим ортда қолар (Иншооллох). Аллоҳдан сизга узоқ-умр, бахтдан тахт тилайман. Барча севилганларга эса «бир-бирларингизнинг қадрингизга етинг, қадамингизни ўйлаб босинг, оҳир-оқибатда афсусланиб қолманлар», дейман.

**Кўпдан бери бир азобда, оҳ дилим, Дардларим сўзлашга ожиз тилим. Демайман сизга, юрагимни ўтга отинг, Енамга гар сиз туйғули, севгилим. Кўклар кезар теварақда сиз йўқсиз. Қишлоғимдан изладим лек, сиз йўқсиз, Мени бир бор кўмсайсизми, билмадим? Сиз ноламсиз, кўнгли аро андуҳсиз.**

Х. К.

Тошкент, Ҳамза тумани

Қизлар нозик ниҳол бир гунчадир. Унга ҳам вақтида эътибор ва парваршиш лозим. Гоҳида қизларимиз бирон жойи оғрися, уз билганларича даволанишади. Шундай пайтда оналар уларга энг яқин маслаҳатчи бўлиши керак. Г. исмли қиз қорни оғриётганидан шикоят қилади. Онаси уни дарҳол жарроҳга олиб боради. Жарроҳ унга аниқ таъхис қўя олмайди ва онкологга олиб боришни маслаҳат беради. Онколог 15 ёшли бу қизчани «ҳомилдор» деб гумон қилади. Ҳамма машааша шундан бошланади. Она қизини қистовга олади. Йигит улгурнинг кимлигини сўрайди. Қиз бечора ҳеч ким билан юрмаганини айтса ҳам ишонмайди. Бу «сир»дан ота ҳам воқиф бўлади. Оиланинг тинчи йўқолади. Қиз бечора бўлса узининг поклигини исботлай олмай йиғлагани-йиғлаган. Ота эса нуқул сигарет чекар, она қизини тинмай қарғарди.

Ниҳоят, улар муроаса келишди. Қизни гинекологга олиб бориб «ҳомил»ни аборт қилдирмоқчи бўлишди. Қиз гинеколог ҳузуридан хурсанд ҳолда чиқиб узини онасининг бағрига отди.

— Айтгандим-ку! — йиғлаб юборди. Она қизини юпатгач, гинеколог ҳузурига ошиқди. Шифокор онага қизини ҳеч қандай «ҳомилдор» эмаслигини, унда худди 16 ҳафталик ҳомилдорликча келадиган усма борлигини, уни жарроҳлик йули билан олиб ташлаш лозимлигини тушунтиради. Шундай қилиб оиладаги ноҳуш қайфиятларга барҳам берилади. Сал бўлмаса, қиз бечора айбсиз айбдор бўлиб қолаётди. Бунинг сабаби нимада? — деган савол туғилиши табиий. Нимагадир купчилик оналаримиз қизларини гинеко-

логга эмас, балки бошқа мутахассисларга олиб боришади. Улар гинекологга қачонки, турмушга чиққандан кейин борилади, — деб тушунишади. Яна айримлари қизимни гинекологга олиб борсам, таниш-билишлар қўриб қолиб гап-сўз бўлади, деб уйлашади. Сунгра эса югур-югур қилишади.

Мени кўпдан буён қизиқтириб келаётган савол қизларни қай пайтдан бошлаб гинеколог куригидан ўт-

## ҚИЗ БОЛА НОЗИК ФУНЧАДИР...

казган маъқул? Ушбу саволимга жавоб топиш мақсадида II Тошкент тиббиёт институти клиникаси даволаш факультетининг акушерлик ва гинекология кафедраси профессори Жураҳон Азимова билан мулоқотда бўлдим. Опа қизларнинг тарбияси, гигиенаси ҳақида қуйиниб гапирдилар.

Оилада қиз туғилди. Бунда ота-онаю, қариндош-уруғгача хурсанд. Турмушдан гудакни неолог шифокор кўздан кечиради. Айниқса, у унинг икки аъзоларини ривожланишига, жинсий аъзоларининг нуқсонли ёки нуқсонсиз эканлигига катта аҳамият бериш лозим. Қиз болани чўмилтиравтганда, айниқса жинсий аъзоларни олдиндан орқага қараб ювиш керак. Қизалоқларни кўнора чўмилтириб туриш уларни танасини турғи усишига ёрдам беради.

Қизчалар боғча ёшига етганида тарбиячилар томонидан гигиенга қаттиқ риоя қилинса, шифокорлар томонидан уларнинг соғлиги уз вақ-

## Саломатлик

тида назорат қилиниб турилса, айни муддао буларди. Бунда участка педиатрларининг роли каттадир. Қиз боланинг соғлом ўсишида ва касалликка берилувчанлигининг олдини олиш режали равишда олиб бориладиган эмлаш ҳам ижобий натижалар беради. Мактаб ёшидаги қизларни участка педиатрлари ҳар

томонлама текширувдан утказгандан аниқланган касалликлардан куп учрайдиган камқонликни уз вақтида аниқлаб даволаш, уларни соғлом ўсишини таъминлайди. Энг муҳими мактаб ёшидаги қизларни гинеколог куригидан ўтказишни ёддан чиқармаслик лозим. Чунки қизларда учрайдиган жинсий аъзолар касаллиги, яллиғланиш, тухумдон усмалари каби касалликларни уз вақтида даволашга эришиш мумкин. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, баъзан оналар қизлар ҳаётига бепарво бўлиш натижасида уларни гинекологга уз вақтида курсатишмайди. Натижада уларда учрайдиган баъзи бир нуқсонлар, хайзнинг кеч бошланиши, яхши етилмаганлик, тухумдон усмалари, фақатгина балагатга етган даврда ёки турмушга чиққандан кейин аниқланиб оилада анча ноҳушлиқларга сабаб бўлади.

Х. МАҲАМОВА

## АЁЛНИ ГУЛ БИЛАН СИЙЛАНГ

Кунларнинг бирида қўлида бир даста шикоят қоғозини кўтариб олган амаки йигирма икки йиллик ёстиқдошидан арз қилиб келди. Аёл шаънига магзава тукиб, бозор-учарга узини урганидан номус қилганини пеш қилди.

Шикоят изидан уша хонадонга борганимда, амаки ток соясига ёнбошлаб хуррак отиб ётарди. Чиннидек супуриб сидирилган ҳовлидан оила соҳибасини тополмадик. Қўл бола кетмонини опичлаган ўғлига эргашиб боғ томон йўл олдиқ. Аёл офтобнинг жазирама тигини писанд қилмай, экинларга сув тараётган экан. Бошига ёпинган рангсизгина румоли, майин табассуми узига ярашган аёлнинг хоргин қиёфасига боқарканман, оила тотувлиги, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги учун жонини ҳам қурбон этишга тайёр тургувчи улуг зот, муътабар оналарни кургандек бўлдим.

Аёлининг меҳнатсеварлигини қадрлай билмаган эркакча эса, «бир даста араз қоғозининг дасталагунча, жуфти ҳалолингга гулдаста тутиб сийласанг, бўлмасмиди», деб хайқиргим келди.

Мусаллам УМИРОВА,  
ТошДУ ходими



Тарбия соати

Бу воқеани бировдан эшитсам Балки ишонмасдим. Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида юз берган фожеа ҳақидаги мақола кунглимга бир изтироб, даҳшат солди, эзилдим, эзилавердим. Холатимни қандай ифодалай, билмадим. Халқимизда «Бирники мингга, мингники эса туманга» деган гап бор. Дунёда ҳамма угай оналар ҳам ёвуз эмас, дегим келди. Чунки, биз яшаётган шаҳар, қишлоқларда угай болаларини туғишгандан аъло тарбиялаб, воғга етказган оналарни ҳам курганмиз.

Усмиларда ҳам барибир узининг бир «ташвиши» булади. Уларга ҳеч қулоқ солганимиз? Йўқ, албатта. Уз ташвишларимиз билан бўлиб уларнинг мурғак қалбларига қулоқ тутишни аллақачон унутганмиз, десам эътирос билдирмангиз керак. Демак, шу он беш ёшли қизгинининг орзуларга бой, узига яраша олами,

мумкин бўлган учта мурғак укачаларини уйлагандир. Уларнинг узидек она меҳридан мосуво бўлишларини истамагандир. Яна ким биллади?... Шундоқ ҳам таранг бўлган, она билан қизнинг уртасидаги муносабатлар янада дарз кетмадимикан?.. Агар икки томон хатоларини тушунишиб келишиб яшашса-ку, дуруст, агар аксин-

гоҳларига отланамиз. Лекин, нега айнан, усмирлик даврига лоқайдмиз, ахир? Худди шу даврга келиб улар билан мутлақо ишимиз бўлмай қолади? Ачинарлиси шундаки, айнан ушбу вақтда жондан азиз фар-

зи қорни тўқлиги, усти бутлигидан кунгли хотиржам юргандир...

Менга қолса, фарзандларимиз, айниқса бир гулу гунчадек бағримизда яйраб воғга етса, уларга шамолни ҳам раво курмасак дердим. Болалиқда нафақат ёвузлик ҳақидаги эртақларни, балки охири яхшилик, эзгулик билан туғайдиган эртақларни ҳам куп ўқиганмиз. Уларнинг купида аёллар ҳақида ажойиб сўзлар ёзилган. Оналар яхшилик, гузаллик рамзи бўлганлар. Гузаллар ҳақида меҳри дарв она, «Йилгаса дур, қулганда дур сочиларимиш, бир нигоҳлари билан фарзандларининг вуҷудидаги жароҳатларни даволаримиш», — деб ёзилган. Аёл қалбининг бир четида қаҳрга ҳам, меҳрга ҳам жой бор. Меҳру табассум доимо ёвузликни енгиб келган.

Мен билган, билмаган аёллар, азиз опа-сингилларим! Узи уткичи бўлган дунёдаги жондек ширин фарзандларимизу яқинларимиздан, бир оғиз ширин сузимизга интиқ инсонлардан меҳримизни дариг тутмайлик.

Оламга қалбингиздан меҳр, чеҳрангиздан нур, қулгларингиздан эса гуллар сочилсин!..

Басира САЙИД АЛИ

КУПСАНГИЗ ГУЛЛАР СОЧИЛСИН...

Воқеада ун беш ёшли Мунира Ҳатамова угай онаси, Уғилой Шарипованинг таъйиқларидан сунг уз жонига қасд қилди. Яхшиямки, ун гулидан бири ҳам очилмаган норасида бу қизгинининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Купчилиқда ҳали уйин қулгуга, шуҳликларга туймаган бу қизалоқнинг яшайдан беэиб, жонига қасд қиладиган қандай дарду алами бўлиши мумкин? — деган савол туғилиши табиий, албатта. Уага хонадон қоронги фогга ухшайди. У ерда нималар бўлаётгани ташқаридан куринмайди-да. Мунираларнинг оиласи ҳам гавжум маҳаллада, юрт ҳатми биноийдек яшаб юришганди. Бироқ...

Мунира эса... Бизда, катталарда лоқайдликка, бепарволиккаму ухшаш нарса борлигини эътироф этишимиз керак. Хатто уз ота-онаси бағрида яйраб яшаётган

унда эса баъзан «ҳасратлари» ҳам борлигини тушуниш мумкин. Мунира ҳам зийраккина қиз бўлган. Укачаларига қараб, уй юмушларини баҳоли қудрат бажариб юрган.

Онасини согиниб, уз онасининг фазилатларини Уғилойдан излаша урингандир. Унга эр калангисиз, уз сирларини онасидек уртоқлашгиси келгандир... Уғилой эса...

Хуллас, биргина Мунира эмас, ушбу фожеага онаси Уғилой ҳам сабабчи бўлган. Турмуш ташвишларининг узи етиб турган вақтда ортиқча бўлган бу воқеанинг якуни суд билан туғайди. Судда Мунира онасини кечирди, кечира олди. Эҳтимол у отасини, онасиз қолиб, она меҳридан айрилиши

ча бўлса-чи? Мақолаи ёзиш асносида купчилиги ота-оналардан иборат бўлган муштарийларимиздан сурганм келди.

Азизлар! Усмиларнинг узининг билан ҳеч сирли сўхбат қилганимиз? Уларнинг ҳам уз дунёлари, шу оламда уз ҳам — ташвишлари борлигидан хабардормизми? Ахир Уғилой ҳам Мунирани «болам-бутам», — дея озгина меҳрини дариг тутмаганида, ушбу машъум фожеа юз бермасдику?..

Бу воқеа сабаб бир нарсага хайратландим: угил-қизларимиз гудақлигида ҳар бир харақатига қуз-қулоқ бўлаемиз, авайлаймиз. Мақтабни битиргач эса улардан аввал хужжатларни култиқлаб, билим дар-

зандларимизнинг купчилиги, милиция ходимларининг таъбири билан айтиладиган «тарбияси қийин усмирлар» руйхатига тушиб қоладилар, жиний ишларга қул урадилар. Бунинг олдини олиш мумкинку! Шу асно қадимги «Зумрад ва Қиммат» эртаги беихтиёр едга тушади. Шунда эртақлар едга ҳам ҳақиқат борлиги ростдек туюлаверади, менга... Юқорида айтганимдек, мен угай оналарни ёмонлаш фикридан йироқман. Балки Мунираларнинг уйда яна биз билмаган бошқа муаммолар ҳам бўлгандир. Отаси уста бўлгани боис, ҳафталаб бировларнинг уйда ишлаб юрган. Қизгина эса угай она ҳукмронлигида қолган бўлса... Отаси эса қи-

(Боши ўтган сонларда)

Хонасига кириб келганди ҳамки, қизи кунғирок қилди. Онасининг тоби қочиб қолган эмиш. Қорабоев бу тўлғоқ аломати эканлигини сездию, уйига шошилди. Қушни кампир ердимида хотинини машинасига чиқариб туғруқхонага олиб борди. Назарида ҳозирок хотинининг қизи ёрийдию, ҳамшира қиз юғуриб чиқиб, «Суюнчи беринг, угилчалик бўлдингиз» дейдигандек эди.

Лекин ҳамширанинг «Икки-уч кун ичида кузлари ёрса керак» деган гапи ҳафсаласини пир қилди-қуйди. Ноилоҳ, туғунчани саланглаб кучага чиқди ва узи ҳам сезмаган ҳолда машинасини Барнонинг уйи тарафга ҳайдади.

Лейтенант Қорабоевнинг бу сафарги учрашувдан кутган мақсади, бир неча йил бурун илақишиб қолган бу офатихон жувон билан шунчаки машат қилиш эмас, балки терговчи Бакиров айтган «сирли қуғирчоқлар» масаласи ҳам қизиқтириб қуйган эди. Қолаверса, бу кингир ва қалтис ишнинг бир учи узининг номига ҳам келиб боғланаётганидан, уни ҳеч ким бу жиноятда айблама-са-да, унинг узи бу ишда «иштирокчи»га айланиб қолаётганини ички бир туйғу билан ҳис қилар, аниқроғи бундан хавотирланиброк қолганди. Бу ҳам етмагандек, Барнонинг уй эшиги қулфлоглиги ва ичкарида чироқнинг куринмаслиги хавотирини баттар оширди. Бўшашиб ташқарига чиқди. Қўқ юзида увада, қора бўлутлар сузиб юрар, этни жунжитирувчи муздек шамол эсиб турарди.

Яна орқасига қайтди. Ҳали бир қақирим юрмасдан жар ёқасидаги қора «Тойота» ёнида турган, қизиги ёмғирпўшли аёлни курдию, таниди. У Барно эди. Ҳайрон бўлиб машинасини тухтади. Аммо Барно уни курмадини ё эътибор бермадини, машина эшигини очиб ичидаги одамга нимадир деди ва узи ҳам машина ичига утира бошлади. Қорабоев қадамни жадаллатди. Машинанинг ярим очиқ эшик ойнасидан муралади.

— Тинчликми, Барнохон, нима бўлди? — деди ҳовликиб.

Барно негадир юзини тескари бурди. Унинг урнинга орқа уриндикдан «Тинчлик, тинчлик» деган дуриллаган товуш эшитилди. Қорабоев овоз эгасини курмоқчи бўлиб энди энгашганди ҳамки, гарданига тиралган тўпқончанингов суюқ оғзини сезиб, бир лаҳза қаловланиб қолди. У бунисини кутмаган эди. Беихтиёр бунақа пайларда қандай хат-

ти-ҳарақат қилиш, қандай ҳимоя усулларини қуллаш ёдига тушиб қаддини ростламоқчи эди, тўпқончанингов оғзи гарданига қаттиқроқ ботди. «Пахтаволик экан» кунглидан ўтказди у ҳафсаласи пир бўлиб, — Отилганда овози ҳам чикмайди лаънатининг! Аксига олиб куролим ҳам ёнимдамас!..»

Қорабоев лабларини аламли тишлаб қулай вазиятни куттишдан бошқа иложи йўқлигини англади.

— Сизларга нима керак? — деди у энгашган куйи тураркан.

— Сен кераксан, лейтенант! — қулоғи тағида шивирлади иккинчи овоз. — Маслаҳатли иш бор!

Машинанинг орқа эшиги очилиб-ёпилгани ва оёқ остидаги шағалининг гижирлагани эшитилди. Афтидан иккинчи йултусар ҳам тушди шекилли уларга яқинлашди.

— Кимсизлар узи? — суреди Қорабоев тунги қа-

Эркин УСМОНОВ  
АЖАЛ ХИЁБОНИ  
(Саргузашт мистик қисса)

роқчиларга қуз юғуртишга харақат қилиб. — Бу ерда, сен эмас, биз савол берамиз, — деди иккинчи йултусар. — Вақт жуда оз. Сен актёр Шариповнинг улими билан боғлиқ «ишчи ёпишингга тўғри келяпти.

— Буни иложи йўқ, — деди Қорабоев қуз учиди билдирмай кузатишда давом эттаркан.

— Иложи йўқ нарсанингов узи йўқ! Уша хивбон билан боғлиқ операциядан воз кечасан!

— Буни сизларга нима алоқаси бор? — вақтдан ютишга харақат қилди Қорабоев.

— Алоқаси бўлмаганда, бир ҳафтадан бери изингдан қувиб юрмасдик, — деди иккинчи йултусар.

— «Изимга тушишган эканда, — уйлади Қорабоев лабларини конатқудек тишлаб, — Нега тухтадим узи? Нега Барно мик этмай утирибди?»

— Вақтни ўтказма, лейтенант, — деди йултусар жаҳл билан. — Текшир-текширларингдан барибир

ҳеч вако чикмайди. Боши берк кучага кириб қолгансанлар. Хивбондаги уликларнинг сирини ҳеч ким аниқлай олмайди. Шунини деб ухлаб ётган илонни қузғатиб қуяясанлар!

— Мендан нима истаётганларингни тушунолмапман...

— Уйиндан чиқасан, вассалом! — йултусар елимхалтага уроғлиқ қандайдир нарсани оёқ остига ташлади. — Мана бу аванс! Авалги хизматларинг учун!

— Мени ҳеч қанақа хизматим бўлмаган, — деди Қорабоев.

— Бўлмаган бўлса, энди булади. Лекин билиб қуй, агар лақиллатмоқчи бўлсанг, билиб қуй! — аралашди иккинчи йултусар, — хотининг билан уччала қизинг ҳам гаровга қуйилади! Агар ишлар изига тушиб кетса, яна қуришамиз!

Йултусар шундан кейин ҳам тўпқончанингов оғзини Қорабоевнинг гарданидан олмади. Шериги эса пичоқми-бигиз билан унинг машинаси гилдирагига тиг санчди шекилли, гилдирак вишиллаб бўшашиб, машинанинг ситгани кетгани эшитилди. Қорабоевнинг юраги увушиб кетди.

— Тфу, ифлос! — гудранди у.

— Буниси ҳар эҳтимолга қарши, — деди йултусар.

Машина моторининг ўт олдирилгани қулоққа чалинди ва у шитоб билан урнидан қузғалди. Қорабоев қуллари муаллақ қолганча гандирақлаб кетди. Қотиб қолаётган бунини аранг кутарди.

«Қип-қизил шармандагарчилик! — деди у уз-узига. — Бировга айтсанг, ишонмайди. Шундоқ шаҳар марказида милиса офицерининг йулини тушишаю, ҳеч қандай қаршилик курсатолмас!»

У машинасининг ерга қатишиб ётган томонига эҳтиёт гилдираганингов уратмоқчи ҳам бўлдию, беихтиёр йултусарлардан бири боя ташлаб кетган елимхалтани эслаб, ерни тимирсқилаб толди. Машинасига утириб оғзини очди. У газета варағига уралган бир даста қуқимтир долларлар эди...

Қорабоев, машинасининг эшигини қулфлаб, елимхалтадаги пулни қуйини солди-да, йўлга чиқди. «Хўп томоша бўлдимку-а?!» — деди у совуқдан жунжикиб ва костюми ёқасини кутариб олди. Бир қақиримча юрдию, беихтиёр бу йул қабрис-тонининг бетон деворлари ёқалаб утишини ва охири уша сирли хивбонга улашиб кетишини эслади. Негадир шу томонга юргиси келди...

(Давоми бор)

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА  
Телефонлар :  
Бош муҳаррир - 133-28-20  
Котибият - 34-86-91  
Эълолар бўлими - 136-56-52  
МАНЗИЛИМИЗ  
Тошкент- 700000,  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.  
«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35.  
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти  
Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176  
ташкилотлар учун 177  
Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г- 029  
25100 нухсада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ,  
Чоршанба кунлари чиқади.  
Баҳоиси эркин нарҳда.  
Набатчи Комил ТОШМИРЗАЕВ